

## **Ахборот бозоридан ким нима «харид» қилмоқда?**

*Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак.*

Ислом КАРИМОВ

### **"Дунё ўргимчак тўри" қандай яратилган?**

Ҳар бир нарса, хусусан, интернетнинг ҳам ўзига хос яратилиш тарихи бор. Унинг ўзида келтирилган маълумотларга кўра, интернет ўтган асрнинг 60-йилларида ҳарбий бўлинмалар ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаш, махфий маълумотларни тезкор ва хавфсиз узатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кейинчалик бу хизматдан фуқаролик институтлари, бошқача айтганда, оддий юридик ва жисмоний шахслар ҳам фойдаланиши мумкин, деган хулосага келинган.

Ўтган йиллар давомида интернетни бошқариш ва такомиллаштириш бўйича туб ўзгаришлар юз берди. Мульти-медиа тизимининг тарқок компьютерларини ягона тармоққа бирлаштиришнинг такомиллашган усули яратилди. Word wide web — дунё ўргимчак тўри тарзида ифодаланган бу усул интернетни оммавий ахборот воситасига айлантирди, ахборот технологиялари, радиоэшиттириш ва телекоммуникация имкониятларини мислсиз кенгайтди. Шу йўсинда интернет нафақат матнни, балки сурат ва расмларни, товуш ва видеотасвирларни ҳам узатишга қодир воситага айланди.

Интернет анъанавий информация тизимларининг технологик жараёнини глобал миқёсда уйғунлаштирган. Айни пайтда у турфа ахборот ва билимлар манбаи, оммавий ахборот воситаси, инсон фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқли информатсион хизматлар, турли компанияларнинг маълумотлар майдони, жаҳон бозорига энг тежамли ва тезкор усулда қўшилиш имконини берадиган ноёб восита вазифасини ўтамоқда. Ундан фойдаланувчилар сони ҳайратланарли даражада ўсиб, усиз ҳаётни тасаввур этиш қийин бўлиб қолди.

Мамлакатимизда ҳам мазкур тармоқдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мисол учун 2013 йили Тошкент вилоятида интернетдан фойдаланувчилар сони 61 минг 26 нафарга ошган, бир минг тўқсон иккита маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва хўжалик юритувчи субъект тармоққа уланган. Бу, бир томондан, халқимизнинг дунёга фаол интеграциялашаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, интернетда ишлаш маданиятини янада юксалтиришни талаб этади.

### **Медалнинг икки томони**

Бугун интернетнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапириш ортиқча. У орқали юртимиз ва дунёда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиш, самолётга чипта, ўзга қитъадаги меҳмонхонадан жой буюртириш, хориждаги корхонадан маҳсулот сотиб олиш мумкин ва ҳоказо.

...Ўтган йили ёзда Хатирчининг тоғли ҳудудида жойлашган қишлоқда яшовчи аммамникида меҳмон бўлдим. Кечки пайт аммам тўнғич фарзанди Камолнинг ноутбукида "Skype" дастури ёрдамида Жанубий Кореядаги ўғли Валига видеокўнғироқ қилиб, туғилган куни билан табриклади. Валини кўрмаганимга икки йил бўлганди, анча семирибди.

Ҳа, интернетнинг бу каби кенг имкониятларидан юртимизнинг энг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳам кенг фойдаланмоқда.

Халқ орасида медалнинг икки томони бор, деган ибора мавжуд. Худди шундай энди интернетнинг бошқа жиҳати ҳақида сўз юритсак. Тиббиёт ходимларининг айтишича, интернетга ружу қўйган одамнинг кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ва бошқа органларига путур етади. Хасталик хуруж қилганда инсон жисмоний ва руҳий жиҳатдан зўриқади. Энг ёмони, ижтимоий, оилавий ва шахсий ҳаётидаги зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришга масъулиятсизлик билан қарайди.

Хориж оммавий ахборот воситаларидан бирида интернет қаршисида соатлаб ўтирган боланинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида хабар тарқатилди. Жанжаллашиб қолган синфдошининг кўксига пичоқ қадаб ўлдирган 15 ёшли ўсмирнинг қилмиши хусусида ёзилган мақолада қотил бу ишга тармоқдаги "машхур" компьютер ўйинлари таъсирида қўл ургани айтилган.

Албатта, бу каби аянчли ҳолатлар дунё жамоатчилигини ташвишлантормоқда. Бу борада тегишли чоралар кўрилаётир. Шунга қарамай, тармоқда ҳаммани, айниқса, болаларни оҳанрабодек ўзига ром этадиган янгидан-янги, ранг-баранг ва жозибатор сайтлар, ўйинлар кўпаймоқда. Улар беҳаё тасвирлар, жангари сахналар, ур-йиқитларга бойлиги билан ёшларни ўзига жалб этмоқда, уларнинг одоб-ахлоқини бузмоқда.

### "Видеодаҳшат"ларни *кўрган бола*

Тошкент вилоятида ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Кўплаб интернет-клуб ва кафелар ишлаб турибди. Шундай масканларнинг ўнга яқини Янгийўл шаҳрида фаолият юритмоқда.

...Шаҳарнинг Самарқанд кўчасидаги "Ҳамкор" хусусий фирмасининг интернет-клубига кирдим. Мижозлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Интернетга уланган компьютерлар қаршисида ўтирганлар орасида тўрт нафар 10-16 ёшли ўғил-қизга кўзим тушди. Улар нима билан бандлигига қизиқдим: бири ўйин ўйнапти, бошқаси мусиқа тингламоқда. Икки нафари ўз билимини бойитиш, ақлини чархлаш учун келгани шундоқ кўриниб турибди.

Компьютер мониторидан кўз узолмаётган бу ёшлар билан суҳбатлашиш мавриди эмаслигини ҳис қилиб, кўчага чиқдим. Чамаси, беш юз метрлар наридаги 64-умумтаълим мактабининг дарвозаси қаршисида иккинчи сменага дарс бошланишини кутиб турган ўқувчиларни гапга солдим.

— Интернетга аниқ мақсад билан кириш керак, — дейди улардан бири, 8-синф ўқувчиси Азамат Иноғомов. — Агар мақсадингиз бўлмаса, у сизни бошқаради. Албатта, ўз фикр ва мақсади бор одам тармоқни ўз йўриғига солади.

Маълумки, интернетдан ҳамма ҳам мақсадли ва самарали фойдаланмайди. Азаматнинг мактабдоши Бекзод бунга мисол.

— Уйдагилар ҳар куни йўл ва нонушта учун пул беради, — дейди у. — Мактабга пиёда келиб-кетиб, ҳеч нарса емай орттирган ана шу пулга интернет-клуб ёки кафега кираман. Ўзим қизиққан "Видеодаҳшат"ларни кўраман, муштлашув ва отишмаларга бой ўйинларни ўйнайман. Маза...

Ўқувчилар билан суҳбатдан сўнг бир минг 880 нафар ўқувчи таълим олаётган 64-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулчехра Исаева билан учрашдим.

— Назоратсиз қолган бола ҳар хил ишга қўл уриши мумкин, — дейди Г.Исаева. — Шу боис ўқувчиларимизнинг мактаб ва маҳалла ҳудуди ҳамда уйда назорат қилиш бўйича олиб бораётган ишларимизни янада кучайтирмоқдамиз. Бу борадаги ишлар доирасида уларнинг интернет

тармоғидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмасини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, ўқувчиларимизга таълим порталлари бўйича маълумотлар бериш режалаштирилган.

Психологларнинг айтишича, болаларни узлуксиз назорат қилиш зарур. Айтилик, йўлкира ва нонушта учун берган пулимизни нимага сарфлаганини доимо сўраб-суриштирак, фанларни ўзлаштиришига жиддий эътибор қаратсак ва бу борада кўмак берсак, у биз истаган, ўзимиздан кўра билимли ва кучли инсон бўлиб вояга етади. Демак, назорат ва таълим-тарбияга кўп нарса боғлиқ.

"Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз".

Парламентимизнинг 1992 йил 4 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида Президентимиз Ислон Каримов томонидан айтилган бу сўзлар ҳозир ҳам долзарб.

### Ёшларга оид давлат *сиёсати* — *амалда*

Мамлакатимизда ёшларнинг турли фан ва спорт тўғрақларига қатнашиши, бандлиги ҳамда касб-хунар ўрганишини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Фарзандларимиз, хусусан, ёш веб-ихтирочилар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга қаратилган кўрик-танловлар ўтказилмоқда. "ZiyoNet" жамоат ахборот таълим тармоғи ёшларга ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир. Ушбу ҳужжатда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлод вакилларини вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу ишлар замирида ёшларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, шунингдек, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб, боши берк кўчаларга кириб қолишидан асрашдек олижаноб мақсад мужассам.

— Бугунги кунда интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг раиси О.Худойбердиев. — Бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш, уларда мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, миллий қадрият ва анъаналаримизга асосланган мустаҳкам сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглар ўтказмоқдамиз.

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда ташкил этилаётган бундай тадбирларда носоғлом руҳдаги ахборотлар ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқига, онги ва тафаккурига катта зарар етказиши, улардан эҳтиёт бўлиш, энг муҳими — доимо хушёр ва огоҳ бўлиш зарурлиги ҳақида сўз юритилмоқда.

...Дунё халқларининг ахборот бозори — интернетда келтирилаётган маълумотларнинг ранг-баранг ва кўплигидан бош қотади. Уларнинг қай бири тўғрию, қай бири нотўғри эканини ажратиш олиш мушкул. Тармоқда миллий

менталитетимизга мутлако ёт мафкура ва дунёқарашни — экстремизм, фахш, гиёхвандлик, зўравонлик, терроризм ва шовинизм каби боло-қазоларни фарзандларимиз қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар ҳамон учрамоқда.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Зеро, ҳушёрлик — инсонни муваффақиятга элтувчи энг муҳим омиллардан биридир.

**Холмурод САЛИМОВ,**

ЎЗА мухбири